



MUZRABOT

O'zbekiston—
kelajagi
buyuk
davlat

Gazeta 1969-yil 1-iyuldan chiqa boshlagan
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligining nashri

2025-yil 14-aprel
Dushanba № 7 (4503)

Халқ депутатлари туман Кенгаши сессияси

Халқ депутатлари Музrabot тумани Кенгашининг еттинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишига 16-Байналмилал сайлов округидан депутат С.Нурмаҳматов раислик қилди.

Сессияда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 декабрдаги ПҚ-438-сон қарори билан белгилаб берилган топшириқларнинг тумандаги ижроси тўғрисида ҳамда Музrabot туманида жорий йилнинг 11 мартдан 20 мартга қадар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий ва молия вазирлигининг оренбujet.uz расмий веб сайти орқали туманда истикомат қилувчи фуқаролар томонидан онлайн овоз бериш жараёни якуни билан ғолиб деб топилган энг кўп овоз тўплаган тақлифларга “Фуқаролар ташаббуси жаамфармаси” ҳисобидан маб-

лағ ажратиш тўғрисида” туман Ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Холниёзов, “Хуқубузарликлар профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бора-сидаги ишларни муҳокама этиш тўғрисида” туман ички ишлар бўлими бошлиғи ўринбосари Р.Собиоров, “Тумани ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари доирасида электр таъминоти тизимини яхшилаш бора-сида амалга оширилаётган ишларни ўрганиш ва натижасини муҳокама қилиш тўғрисида” туман электр таъминоти корхонаси бошлиғи А.Бердиев, “Соғлом инсон – соғлом миллат” умуммиллий ҳаракати юзасидан Олимпия ва паралимпия ҳаракати, ихтисослаштирилган ва оммавий спортни янги босқичга олиб

чиқиш ҳамда аҳолини жисмоний фаоллигини ошириш тўғрисида” туман спорт бўлими бошлиғи С.Рахманова маъруза қилдилар.

Сессияда, шунингдек, депутатлар “Халқ депутатлари Музrabot тумани Кенгаши ҳузурида Ёшлар маслаҳат гуруҳини ташкил қилиш тўғрисида”ги ҳамда “Халқ депутатлари Музrabot тумани Кенгашининг “Фуқаролар йиғинлари раислари сайловида тайёр-гарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳамда сайловни ташкил этишга кўмаклашувчи туман комиссияси таркибини тузиш тўғрисида” 2025 йил 27 февралдаги қарорининг 1-2-иловаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги масалаларни ҳам кўриб чиқдилар.

Сессияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Шу билан халқ депутатлари туман Кенгашининг еттинчи сессияси ўз ишини якунлади.



Туман ИИБда
Китоблар ярмаркаси

Китоб ўқимаган миллат заволга юз тутати. Тили, дини, адабиёти ва ҳаттоки келиб чиқиш тарихини билмайд.

Бу борада туман ички ишлар бўлими раҳбарияти ва тажрибали тadbirkor, “Матбуот таркатувчи” шубба корхонаси туман бўлими бошлиғи

Жўра Хурсандовнинг эзгу ташаббуслари, ҳамкорликларини ҳар қанча эътироф этсакда кам.

Туман ИИБ ҳовлисида кўр ёйган китобхонлик ярмаркасида жамоа ходимлари ўзларига ёққан бадиий китоблардан харид қилдилар.

С.КУЛБОБОВ.

Huquqshunoslar bilan uchrashuv

Termiz davlat universitetida talabalar o'rtasida huquqbuzarlik va jinoyatchilikning oldini olish maqsadida huquqni muhofaza qiluvchi idoralar vakillari bilan uchrashuv tashkil etildi. Tadbir davlat prokuraturasi, viloyat ichki ishlar bo'limi xodimlari, tudytorlar hamda talaba-yoshlar ishtirok etishdi.

Uchrashuv davomida mutaxassislar huquqbuzarlik va jinoyatchilikning salbiy oqibatlari, yoshlarning huquqiy madaniyatini oshirish va qonunlarga hurmat bilan yondashish muhimligi haqida tushuntirish ishlari olib borishdi. Shuningdek, jinoyatchilikning oldini olish yo'lida amalga oshirilayotgan profilaktik chora-tadbirlar xususida ham batafsil tushuntirildi.

Tadbir davomida so'zga chiqqan mutasaddilar yoshlarning qonuniy javobgarligi, internetda sodir etilishi mumkin bo'lgan huquqbuzarliklar, firibgarlik va boshqa noqonuniy xatti-harakatlarga duch kelganda qanday yo'l tutish kerakligi haqida

ma'lumot berishdi. Shuningdek, turli yoshlar orasida uchraydigan huquqbuzarliklar misollar orqali ko'rsatib berildi va talabalar o'zlarini himoya qilish hamda jinoyatchilikdan yiroq bo'lish uchun qanday yo'l tutish kerakligi bo'yicha tavsiyalar oldilar.

Talabalar o'zlarini qiziqtirgan savollar bilan mutaxassislarga murojaat qilishdi. Huquqshunoslar esa ularning har bir savoliga batafsil javob berib, huquqiy madaniyatni oshirish bo'yicha zarur maslahatlarni taqdim etishdi.

Uchrashuv jarayonida talabalar jinoyatchilikning oldini olish borasida o'z bilimlarini yanada mustahkamlash imkoniga ega bo'lishdi. Bunday uchrashuvlar yoshlarning huquqiy savodxonligini oshirish, jinoyatchilikning oldini olish va jamiyatda qonunlarga rioya qilish madaniyatini shakllantirishga xizmat qiladi.

Jamshid NAZAROV, Termiz davlat universiteti O'zbek filologiyasi fakulteti tyutori.

“Биз зўравонликка қаршимиз!” Тадбир бўлиб ўтди



Туман марказидаги 1-давлат мактабгача таълим ташкилотиди “Биз зўравон-

ликка қаршимиз!” акцияси доирасида семинар ва тренинг машғулотлари ўтказил-

ди.

Тумандаги 4-, 44-, 53-умумтаълим мактаблари ва 8-IDUM амалиётчи-психологлари иштирокида бўлиб ўтган тадбирга 1-ДМТТнинг методистлари ҳамда педагоглари жалб қилинди. Жараёнда кун тартибидидаги масала юзасидан амалиётчи-психологлар ва бошқа педагоглар учун давра суҳбати олиб борилиди ҳамда “Биз зўравонликка қаршимиз!” мавзусида кенг тушунчалар берилди. Бундан ташқари иштирокчилар ўзаро тажриба алмашди-лар.

Акция доирасидаги тадбир қатнашчиларда бой таассурот қолдирди.

Х.ШЕРБОВЕ, 4-умумтаълим мактабнинг амалиётчи-психологи.

Халқ қабулхоналари — халқ хизматида

АНИҚЛАНГАН КАМЧИЛИКЛАР ОҚИБАТСИЗ ҚОЛДИРИЛМАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ҳамда Халқ қабулхоналарига 2025 йилнинг биринчи чорағида 1605 та муурожаат келиб тушди. Шундан 1104 таси ёки 89 фоизи қаноатлантирилган, 499 таси ёки 40,3 фоизи ижобий ечимини топган, 594 таси ҳуқуқий маслаҳат ва маълумот бериш орқали ҳал қилинган, 128 таси бўйича тушунтириш берилган, 16 таси рад этилган, 11 таси узок муддатли назоратга олинган, 2 таси кўрмасдан қолдирилган, 19 таси тугатилган, 339 таси кўриб чиқиш жараёнидаги муурожаатларни ташкил қилган.

Ўтган йилга нисбатан муурожаатлар сони 638 тага ёки 28 фоизга камайган. Президентининг виртуал қабулхонаси ҳамда Халқ қабулхоналарига келиб тушган муурожаатлар масалалар кесимида таҳлил қилинганда, улар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан муҳтожларга бир марталик моддий ёрдам бўйича 31 тага, аҳоли томорқасини суғориш учун сув танқислиғи 25 тага, суд қарорлари ижросига оид 19 тага, ҳоким ёрдамчисидан тикув машинаси ва газлама сотиб олиш учун тавсиянома олиш масалаларида 14 тага, ичимлик суви истеъмоли учун тўловлар, қарздорлик ва қайта ҳисоблаш 10 тага, давбо тартибидидаги муурожаатлар 10 тага, ЙХХ хизмати ходими хатти-ҳаракатлари 10 тага, маиший чикиндиликни тўплаш ва олиб чиқиш кетиш хизматларидан асоссиз қарздорлик 9 тага, шартнома ва битим шартларининг бажарилмаслиғи масаласида 9 тага, йўл, унга қарашли йўлак, лоток, ариқ ва бошқаларнинг талабга мувофиқ эмаслиғи 7 тага, мажбурий ижро бюроси ходими хатти-ҳаракатлари 7 тага, ногиронлик гуруҳини бекор қилиш, тиклаш, ўзгартириш масалаларида 5 тага, соғлиқни сақлаш соҳаси ходими хатти-ҳаракатлари 4 тага ошганлигини кўрсатмоқда.

Қабулхоналарга Музrabot туманида яшовчи фуқаролар томонидан келиб тушган муурожаатлар маҳаллалар кесимида таҳлил қилинганда, энг кўп тушган муурожаатлар сони бўйича “Янги ҳаёт” МФИдан 201 та, “Меҳнатобод” МФИдан 125 та, “Йўлчи” МФИдан 103 та, “Шаффоф” МФИдан 89 та, “Орият” МФИдан 86 та, “Обод турмуш” МФИдан 69 та, “Нурли ҳаёт” МФИдан 69 та, “Юртли жамоли” МФИдан 69 та ва “Дарбанд” МФИдан 51 тани ташкил этган.

Муурожаатларда кўтарилган масалалар ўрганилганда, “Янги ҳаёт” маҳалласида таълим соҳаси ходими хатти-ҳаракатлари, қарз ундириш ижро ҳужжатлари бўйича, содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар, алимент ундириш сўрови ва муҳтожларга бир марталик моддий ёрдам; “Йўлчи” маҳалласида - муҳтожларга бир марталик моддий ёрдам, 18 ёшгача болалар нафақаси, алимент ундириш сўрови; “Меҳнатобод” маҳалласида - мол-мулк ва пул маблағларини (қарзни) қайтармаслик, маҳалла ички йўлларида қуриш, таъмирлаш, шағаллаштириш, асфальтлаш, электр тармоқлари объектларини (сим устун, трансформатор пункти ва бошқалар) қуриш, таъмирлаш, ўзгартириш, электр энергияси таъминотидаги узилишлар ва муҳтожларга

бир марталик моддий ёрдам; “Дарбанд” маҳалласида - муҳтожларга бир марталик моддий ёрдам, 18 ёшгача болалар нафақаси, алимент ундириш сўрови, уй-жой билан таъминлаш ва суриштирув-тергов ҳаракатларидан норозилик; “Орият” маҳалласида - жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд ҳужжатлари устидан, қарз ундириш ижро ҳужжатлари бўйича, 18 ёшгача болалар нафақаси ва содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар; “Шаффоф” маҳалласида - алимент ундириш сўрови, 18 ёшгача болалар нафақаси, яшаш шароитларини яхшилаш, уй-жойни таъмирлаш ва қуриш учун ёрдам, газ баллонни суюлта-тирилган газ билан тўлдиришдаги муаммолар ва тadbirkorлик субъектлари томонидан иш ҳақи берилмаётганлиғи билан боғлиқ муаммолар энг кўп баён этилганлиғи аниқланди.

Музrabot тумани Халқ қабулхонаси томонидан жорий йилнинг биринчи чорағи якуни бўйича Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги қонунни талаблари ижроси юзасидан тумандаги давлат ташкилотларининг муурожаатлар билан ишлаш ҳолатлари ўрганилди.

Аниқланган камчиликлар юзасидан тегишли ташкилотларга 21 та кўрсатма, 7 та тақдимнома, 16 та тақлиф ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашига 1 та ахборот киритилди. Натижаси бўйича 8 нафар ҳодимга нисбатан “ҳайфсан” интизомий жазо чоралари қўлланилган, 33 нафар ҳодим огоҳлантирилган.

А.ЖУМАКУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Музrabot туманидаги Халқ қабулхонаси мудири.

Korrupsiya — illat

Tushunchalar berildi

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2025-yil 5-martdagi “Korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha Milliy kengashning korrupsiyaning oldini olish bo'yicha ishlar natijadorligi va kelgusidagi ustuvor vazifalar”ga bag'ishlangan ma'ruzasida belgilab berilgan vazifalar ijrosini ta'minlash masalada Surxondaryo viloyati Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o'zgarishi boshqarmasi tomonidan istiqbolli amaliy chora-tadbirlar izchillik bilan amalga oshirilmoqda.

Prezidentimizning «O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlis Senatining birinchi majlisidagi nutqida belgilangan ustuvor vazifalarni amalga oshirish bo'yicha Senatning harakatlar dasturini tasdiqlash to'g'risida» 2024-yil 19-noyabrda KQ-9-V-son qarori ijrosini ta'minlash yuzasidan, O'zbekiston Respublikasi Ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o'zgarishi vazirligi tomonidan tasdiqlangan nazorat-rejaning 5-bandida aholi va davlat xizmatchilarining huquqiy ongi va madaniyatini yuksaltirish, jamiyatda korrupsiyaga nisbatan murosasizlik muhitini shakllantirish, yosh avlod ongiga qonunga hurmat, to'g'rilik va halol mehnat tushunchalarini singdirish bo'yicha davra suhbatlarini tashkil etish belgilangan.

Shu munosabat bilan boshqarmamiz bosh yuristkonsulti G'.Nuraliyev bilan birgalikda Termiz davlat universiteti Tabiiy fanlar fakulteti “Ekologiya va atrof-muhit muhofazasi” yo'nalishi 4-bochqich talabalari uchun “Biz yoshlar, korrupsiyaga qarshimiz” shiori ostida davra suhbatini o'tkazdik.

Davra suhbatini qatnashchilariga huquqiy ong va madaniyatini yuksaltirish, jamiyatda korrupsiyaga nisbatan murosasizlik muhitini shakllantirish, har bir O'zbekiston Respublikasi fuqarosi ongiga qonunga hurmat, to'g'rilik va halol mehnat tushunchalarini mazmun mohiyati, korrupsiyani o'ta

КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИ



2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққийёт стратегиясининг амалга оширишга оид давлат дастури ижроси юзасидан назорат режасининг 72-мақсад: Аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни

янада ривожлантириш, китобхонлики кенг оммалаштириш ҳамда “Китобсевари миллат” умуммиллий ғоясини рўёбга чиқариш мақсадида бизнинг 21-умумтаълим мактабимизда ҳам китобхонлик ҳафталиғи ўтказилди.

Имом Мотуридий — маърифат байроқдори

Жорий йилда буюк мутакаллим ва исломий илмлар тараққийётига улкан ҳисса қўшган Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллиғи кенг нишонланади. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган муҳим қарор миллий ва диний маърифат тараққийотида янги босқични бошлаб берди.

Имом Мотуридий нафақат Марказий Осиё, балки бутун ислом олами узра калом илмида мустаҳкам таълимот яратган жаҳоний алломалардан бири ҳисобланади. Унинг илмий мероси дунё мусулмонларининг маънавий муҳитида оқилана тушунчаларни шакллантириш ҳамда ҳақолат ва мутаассибликка қарши маърифат орқали кураш ёндашуви-ни шакллантиришда муҳимдир. “Имом Мотуридий таваллудининг 1155 йиллиғини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарор айнан ана шу бебаҳо илмий-маънавий бойлиқни кенг тарғиб қилиш, ёш авлодни ажодлар меросига садқот руҳида тарбиялаш, уларга холис

“Китобхонлик – бахтли ҳаёт омили” ҳафталиғида туркум маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, 3-“Б” синф ўқувчилари учун “Китобим-офтобим”, 4-“Б” синф ўқувчилари учун “Очиқ эшиклар куни”, 1-“Б”, 3-“А”, 4-“А” ва “Б” синфлар учун “Китоб бизни бирлаштиради” шиори остидаги китобхонлик тадбирлари ўтказилди.

Шунингдек, 1-“А” ва 1-“Б” синф ўқувчилари “Бир ҳафтада бир китоб” мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Бунда ўқувчилар ёд олган шеърларини айтишди. 1-“А” синф ўқувчилари “Қизил шапкача” эртагини саҳналаштириб намоиш этишди.

Барча фаол ўқувчиларга “Ташаккурнома” ҳамда китоблар берилди.

Дилфуза ГАФФОРОВА, 21-умумтаълим мактаби ку-тубхоначиси.

Суратда: тадбирлардан лавҳа.

Xabaringiz bormi?

Elektr uchun arzonroq me'yor joriy etildi!

Vazirlar Mahkamasining “Yoqilg'i-energetika resurslari iste'molchilarini qo'llab-quvvatlash maqsadida 2024-2025 yillarda yoqilg'i-energetika resurslari narxlarining bosqichma-bosqich o'zgarish grafigiga o'zgartirishlar va qo'shimcha kiritish haqida”gi qarori (194-son, 31.03.2025 y.) qabul qilindi.

Qarorga ko'ra, Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 16-apreldagi 204-son qarori bilan tasdiqlangan 2024-2025-yillarda yoqilg'i-energetika resurslari narxlarining bosqichma-bosqich o'zgarish grafigiga o'zgartirish va qo'shimcha kiritildi. Unga muvofiq, yoqilg'i-energetika resurslari narxlarining oshishi muddati 1-apreldan 1-mayga ko'chirildi.

Shuningdek, 201 kVt·soatdan 1000 kVt·soatgacha bo'lgan differentsiallashgan tarif bo'yicha iste'mol miqdori orasiga yangi miqdor kiritildi. Ya'ni 2025-yil 1-maydan iste'molchilar 201 kVt·soatdan 500 kVt·soatgacha bo'lgan yangi miqdor oraliqida har bir kilovatt·soat uchun 800 so'mdan to'laydi. Avvalgi tartibga ko'ra, 201 kVt·soatdan 1000 kVt·soatgacha bo'lgan qismi uchun 900 so'mdan haq to'langan.

Misol uchun, bir oyda o'rtacha 500 kVt·soat miqdorida elektr energiyasi sarflaydigan xonadon vakillari buning uchun 2025-yil 1-maygacha 360 ming so'm to'lashgan (200 kVt·soat bazaviy norma uchun 90 ming so'm, 201 kVt·soatdan 500 kVt·soat uchun 270 ming so'm). Tarif o'zgarishlaridan so'ng bir oyda o'rtacha 500 kVt·soat tok ishlatadigan xonadon buning uchun 360 ming so'm to'laydi (200 kVt·soat bazaviy norma uchun 120 ming so'm, 201 kVt·soatdan 500 kVt·soat uchun 240 ming so'm). Ya'ni ular uchun narx oshayotgani yo'q.

Bundan tashqari, 2026-yil 1-yanvardan elektr energiyasi va tabiiy gaz narxlari har yili 1-maydan bir marotaba yillik inflyatsiya darajasidan kelib chiqqan holda 10 foizdan yuqori bo'lmagan miqdorda indeksatsiya qilib boriladi.

B.ISLOMOV, Muzrabot tuman adliya bo'limi Davlat xizmatlari markazi direktori.

Tavalludining 689 yilligiga

Amir Temur ma’naviyatimizning mustahkam poydevori

Insoniyat hamisha ulugʻ zotlarni ilmi, tafakkuri, aql-zakovatidan bahramand boʻlib kelgan va oʻz taraqqiyotida ajdodlarining buyuk meroslariga tayangan, ularni iftixor qilgan. Buyuk davlat arbobi va yuksak maʼnaviyat sohibi Amir Temur ibn Taragʻay Muhammad Bahodir mohir sarkardaligi, odil podsholigi va eng asosiy siyosat maʼrifatparvarligi bilan nafaqat Markaziy Osiyo xalqlari tarixida, balki jahon tarixida salmoqli oʻrin egallagan. Temuriylar sulolasining XIV-XV asrlardagi hukmronligi olamshumul voqealarga boylik bilan jahon tarixida oʻchmas iz qoldirdi. Oʻtgan olti yuz yil mobaynida Amir Temurga bagʻishlab Yevropada 500 dan ziyod, Sharq tillarida esa 900 ga yaqin asarlar yaratildi. Bu esa sohibqiron shaxsining buyukligiga yana bir dalolatdir.

Amir Temur Markaziy Osiyo xalqlarini yagona davlat ostida birlashtirishga muvaffaq boʻldi, barcha xalqni ortidan ergashtirib, buyuk va qudratli markazlashgan davlatni vujudga keltirdi. U oʻz davlati dunyoga yuz tutishi uchun dastavval harbiy va davlatchilik sohasida chuqur bilim va tajribaga asoslangan muhim islohotlarni amalga oshirishga erishdi. Oʻz zamonasida davlat boshqaruvi tizimini yaratdi. Amir

Temur Ikkinchi renessansni boshlab berdi.

Amir Temur maʼnaviyatining yuksakligiga quyidagi omillar sabab boʻlganini koʻrishimiz mumkin:

birinchidan, Amir Temurning ziyoli oilada tarbiya topgani; ikkinchidan, Amir Temur ulugʻ ustozlardan tarbiya olganligi;

uchinchidan, Amir Temurning islom ilmi va maʼnaviyatini mukammal egallaganligi; toʻrtinchidan, Amir Temurning oila va farzandlar tarbiyasidagi oʻrni;

beshinchidan, Amir Temurning oʻz yurtiga va xalqiga boʻlgan cheksiz muhabbati.

Amir Temurda vatanparvarlik, erkinlik va milliy iftixor tuygʻusi nihoyatda yuqori boʻlganligi sababli ham Movaraunnahrni moʻgʻullarning bir yarim asrlik asoratidan xalos etdi, qudratli davlat tuzdi. Manbalarda sohibqiron Amir Temur – yorqin xislatlarga ega, xotirasi oʻtkir, shijoatli va qatʼiyatli, bir soʻzli, zoʻr ruhiy qudrat egasi, salobatli inson sifatida taʼriflanadi.

Amir Temur oʻz davlati, xalqi ravnaqi uchun hayoti va kuchini ayamadi, aql-zakovati bilan ish tutdi. Sohibqironning xislatlaridan biri shu ediki, u biror masalani hal etishdan oldin shu sohaning



bilimdon olimlari bilan maslahatlashar, soʻng qaror qabul qilar edi.

Markaziy Osiyo xalqlari orasida yetishib chiqqan buyuk tafakkur egalarning butun bir avlodi Amir Temur asos solgan hududda shakllandi va ijod qildi. Butun dunyoga nomlari mashhur tarixchilar Sharofiddin Ali Yazdiy, Mirxond, Xondamir, Davlatshoh Samarqandiy; olimlardan Mirzo Ulugʻbek, Ali Qushchi, Qoizoda Rumi; faylasuf shoirlardan Abdurahmon Jomiy, Alisher Navoiy, Lutfiy, Sakkokiy, Atoiy; musavvirlardan Kamoliddin Behzod, Qosim Ali, Mirak Naqqosh; hattotlardan Sulton Ali Mashhadiy, Sulton Muhammad Xandon, Muhammad Nur va

boshqalar shular jumlasidandir. Ularning barchasi oʻz davrining yetuk namoyondalari boʻlganlar.

Ular insoniyat maʼnaviyati, maʼrifati va madaniyati yutugʻining barcha soharlarini mukammal oʻzlashtirib olgan, oʻzlari tanlagan soharlarda hech kim zabt etmagan choʻqqilarni egallagan siymolar, qomusiy ilm egalari boʻlganlar. Shuning uchun ularning ijdolari tengi yoʻq va takrorlanmas. Ilmiy-falsafiy, badiiy, tarixiy asarlari asrlardan-asrlarga oʻtib, zamon sinovlariga dosh berib, bizgacha yetib keldi.

Biz avlodlarni Amir Temurga munosib boʻlishi lozimligi haqida koʻp gapiramiz. Ammo dono xalqimiz aytgan maqol bor: “Nima eksang, shuni oʻrasan” degan. Yuksak salohiyatga ega shaxslarning yetishib chiqishi uchun ota-onalarning maʼnaviy qiyofasi goʻzal boʻlmogʻi, mahallada ulgʻayayotgan bolalarga yetti ota-ona tarbiya bermogʻi, oʻqituvchi va murabbiylarimiz taʼlim-tarbiya uzviyligini sidqidildan taʼminlashi, bir soʻz bilan aytganda farzand nomli inson zamirida jamiyatimizning ertangi kuniga poydevor qurayotganimizni har qachon yodda tutishimiz farzdir. Amir Temur maʼnaviyatining mustahkam poydevori asrlarga yuz tutib kelayotgani, yillar ushbu poydevor toʻzonida toʻzimasdan, aksincha, yanada sayqal topayotganining siri ham, shubhasiz, shundadir.

Sayyora XALILOVA, 41-umumtaʼlim maktabi oʻqituvchisi.

Имом Мотуридий — маърифат байроқдори

(Бошланиши 1-бетда.)
Шунингдек, мазкур қарор доирасида республика ва халқаро миқёсда илмий конференциялар, симпозиумлар ҳамда давра суҳбатлари ташкил этилиши режалаштирилган. Бу тадбирлар Имом Мотуридий таълимотининг бугунги кунда ҳам долзарблигини намоён этиш ва унинг инсонпарварликка асосланган ғояларини кенг тарқатишга ёрдам беради. Бу эса Имом Мотуридийнинг илмий меросини ёшларга етказишда ҳам муҳим қадам ҳисобланади. Чунки қарор асосида таълим муассасаларида Имом Мотуридий таълимотига оид махсус курслар ва танловлар ўтказилиши режалаштирилган. Бу эса янги авлоднинг маънавий ва ақлий салоҳиятини оширишга, уларни ислом маърифатпарварлиги ғоялари билан таништиришга хизмат қилади.

Имом Мотуридийнинг таълимоти мўътадиллик, дунёқараш эркинлиги, ақлий таҳлил ва диний бағрикенгликни тарғиб қилгани билан аҳамиятлидир. У ўзининг машҳур “Ки-

тоб ат-тавҳид” асарида илмий дунёқарашни шакллантиришда асос сифатида хизмат қилувчи “Маърифат назарияси”ни тўлиқ очиб берган. Унга кўра, ҳиссий билимлар, ақлий мантик ва ишончли маълумот илм ҳосил қилишнинг тамал пойдевори ҳисобланди. Бу эса аллома таълимотини замоналар оша эскирмайдиган оламшумул хусусиятга эга бўлишида асосий омил бўлди. Шунингдек, Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” номли тафсирида ҳам Қуръони карим оятлари илмий дунёқараш, мантикий таҳлил ва раціонал тафаккур билан ҳамоҳанг эканлини очиб беришга катта эътибор қаратган.

Хозирги кунда Имом Мотуридий таълимоти жамиятда тинчлик ва ҳамжихатликни таъминлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Дунё бўйлаб экстремизм ва радикализм хавфи кучайиб бораётган бир даврда Имом Мотуридийнинг таълимоти жаҳолат ва мутаассибликка қарши маърифат ва ақлзаковат билан жавоб беришга чорлайди.

Шунингдек, Имом Мотуридий таълимоти юртимизнинг исломий меросини чуқур ўрганиш, ажодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини тўлақонли англаш, адолат, инсонийлик ва маърифатпарварлик тамойиллари асосида ҳаёт барпо қилишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан, юбилей тантаналари университетларда ва илмий-тадқиқот муассасаларида Имом Мотуридий меросини ўрганиш бўйича янги тадқиқотлар олиб борилишига қучли туртки бериши кутилмоқда.

Имом Мотуридийнинг 1155 йиллигини нишонлаш бўйича қабул қилинган қарор миллий кадриятларимизни мустаҳкамлаш, маърифатни тараққий эттириш ҳамда ёшларни илм ва эзгуликка йўналтиришда катта аҳамиятга эга. Ушбу қарор орқали юртимизда маънавий меросимизга бўлган эътибор янада кучайиб, унинг илмий асосда ўрганилиши янги қосқичга кўтарилиши шубҳасиз. Буюк алломанинг бой илмий мероси ҳамиша инсонларни ҳидоят сари етак-

лайдиган манба бўлиб қолади. Шу билан бирга, нафақат маҳаллий, балки халқаро даражада ҳам Имом Мотуридий таълимотига қизиқиш ортиб боради. Бу эса Ўзбекистоннинг номоддий маданий меросини дунёга янада кенгроқ танитиш имконини беради. Илмий экспедициялар, кўлбэма манбаларни аниқлаш ва нашр этиш ишлари янада жаллалашади.

Шундай қилиб, Имом Мотуридийнинг 1155 йиллиги давлат ва жамият томонидан қосак эътироф этилаётгани, унинг илмий меросини ўрганишга кенг имкониятлар яратилаётгани миллий ва умуминсоний кадриятларимиз, ислом динининг маърифатпарвар моҳияти ва бағрикенглик ғояларини жамиятда кенг тарғиб қилишда муҳим қадамдир. Бу эса юртимизда тинчлик, тараққиёт ва юксалиш руҳини янада мустаҳкамлайди.

Зафар ФАХРИДДИНОВ, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази бўлим бошлиғи.

ЎЗА.

Одил судловни таъминлаш

ҳуқуқ устуворлиги йўлидаги муҳим қадам

Суд тизимининг самарадорлиги жамиятнинг адолатга бўлган ишончини таъминлашнинг асосий пойдеворидир. Янги Ўзбекистонда қонун устуворлигини таъминлаш, коррупцияга қарши курашиш ҳамда халқчил ва адолатли суд тизimini яратиш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бирига айланди. Бунда судьялар ва суд ҳодимлари зиммасига катта масъулият юкланмоқда.

Сўнги йилларда мамлакатимизда суд тизимини ислоҳ қилиш, унинг мустақиллигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда янги саҳифалар очилди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан судьяларнинг дахлсизлиги, мустақиллиги ва беғаразлигини таъминлашга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилинди. Суд ҳокимиятига ҳар қандай аралашувга йўл қўйилмаслиги, бунинг қонуний жавобгарликка олиб келиши ҳақида қатъий таъкидланди.

Хабарингиз бор, коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгаш йиғилишида ҳурматли Президентини судья ва суд ҳодимларига одил судловга соя солувчи ҳолатларга қарши қаттиқ чоралар қўриш вазифасини белгилаб берди-лар. Суд тизimini рақамлаштириш ва ахборот технологияларини кенг жорий қилиш орқали инсон омилини қисқартириш ва шаффофликни таъминлаш мақсад қилинди.

Коррупция нафақат давлат ва жамиятнинг тараққиётига тўсқинлик қилади, балки фуқароларнинг адолатга бўлган ишончини ҳам заифлаштиради. Шу сабабли, суд тизимиде ҳалоллик, поклик ва ишонч муҳитини яратиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, суд ишларини автоматик тақсимлаш

тизини жорий қилинди. Электрон муружаатлар ва электрон ижро варақаларини тақдим этиш амалиёти йўлга қўйилди. Судья ва ҳодимларнинг касбий билимларини оширишга йўналтирилган ўқув дастурлари ташкил этилди. Коррупцияга қарши ички назорат механизмлари мустаҳкамланди.

Судьянинг ўз вазифасини ҳалол ва виждонан бажариши нафақат унинг касбий бурчи, балки жамият олдидаги инсоний масъулиятидир. Ҳар бир судья ўз қарорларида адолатни таъминлаш билан фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Давлат раҳбарининг таъкидлаганидек, суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон адолат ҳукм сураётганига ишонч ҳосил қилиши лозим.

Суд тизимиде қабул қилинаётган ҳар бир қарор фуқаро-

ларнинг ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинаётганининг аниқ далили бўлиши лозим. Хусусан, коррупцияга қарши курашишда судьяларнинг шахсий масъулиятини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, коррупцияга қарши курашиш фақат жазо бериш билан чекланмайди, балки профилактика чораларини жорий қилиш, хавфхатарларни қамайтириш ва замонавий технологияларни татбиқ этиш орқали амалга оширилади.

Суд тизимини рақамлаштириш замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда инсон омилини қамайтириш, жараёнларни тезкор ва шаффофлаштиришда асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда. Электрон ахборот тизимлари орқали суд ишларининг автоматик тақсими ҳамда электрон муружаатларни жорий қилиш коррупция хавфини сезиларли даражада қамайтирди, суд ишларини

Ҳар биримиз қонун устуворлигини таъминлаш ва коррупция иллатига қарши курашда ўз ҳиссамизни қўшиш орқали жамиятимиз тараққиёти учун хизмат қилишимиз зарур. Чунки коррупцияга қарши кураш — факатгина қонунга эмас, инсоний бурчимизга ҳам асосланади.

Шунинг учун, барчамизни коррупцияга қарши курашда, адолат ва қонун устуворлигини қарор топтиришда ҳамжихатликка чақираман. Одил судлов — жамият фаровонлигининг пойдевори эканини унутмаслигимиз лозим. Янги Ўзбекистонни адолатли жамият сифатида барпо этиш учун ҳар биримиз масъулимиз.

С.ХУСАНОВ, Шеробод туманлараро иқтисодий суди раиси.

рини қоғоз шаклида юриштирдан воз кечиш ва рақамли платформаларни кенг жорий этиш орқали қўлдаги хатоларнинг олди олинди, электрон муружаатлар орқали фуқароларнинг суд тизимига муружаат қилиш имкониятлари кенгайди.

Рақамлаштириш жараёнида сунъий интеллект технологияларини татбиқ этиш режалари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Бу, ўз навбатида, иш юрицияга қарши курашиш фақат жазо бериш билан чекланмайди, балки профилактика чораларини жорий қилиш, хавфхатарларни қамайтириш ва замонавий технологияларни татбиқ этиш орқали амалга оширилади.

Суд тизимининг самарадорлиги юксалиши учун ҳар бир судья ўз вазифасини виждонан бажариши, одиллик ва ҳолисликни касбий фаолиятининг устувор йўналиши сифатида белгилаши лозим. “Одил судлов — жамият фаровонлигининг пойдевори” деган ғоя асосида бирлашган ҳолда, мамлакатимизнинг ҳуқуқ устуворлиги ва адолатли суд тизимига эришиш учун сидқидилдан хизмат қилишимиз керак. Зеро, адолатли суд тизimini яратиш билан биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида мустаҳкам қадам ташлаймиз.

Ҳар биримиз қонун устуворлигини таъминлаш ва коррупция иллатига қарши курашда ўз ҳиссамизни қўшиш орқали жамиятимиз тараққиёти учун хизмат қилишимиз зарур. Чунки коррупцияга қарши кураш — факатгина қонунга эмас, инсоний бурчимизга ҳам асосланади.

Шунинг учун, барчамизни коррупцияга қарши курашда, адолат ва қонун устуворлигини қарор топтиришда ҳамжихатликка чақираман. Одил судлов — жамият фаровонлигининг пойдевори эканини унутмаслигимиз лозим. Янги Ўзбекистонни адолатли жамият сифатида барпо этиш учун ҳар биримиз масъулимиз.

С.ХУСАНОВ, Шеробод туманлараро иқтисодий суди раиси.

Қарор асосида

Энергиya resurslari behuda sarflanishining oldini olish tizimi takomillashtiriladi

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Yoqilg'i-energiya resurslaridan noqonuniy foydalanish va behuda sarflanishining oldini olish hamda energiya samaradorligini oshirish bo'yicha chora-tadbirlarni takomillashtirish to'g'risida” 2025-yil 1-apreldagi PQ-133-son qarori qabul qilindi.

Ushbu qarorga ko'ra hududlardagi iste'molchilarni muqobil energiya resurslaridan foydalanishga o'tkazish hamda energiya tejoychvi texnologiyalarni o'rnatish orqali 2,5 milliard kVt soat elektr energiyasini va 1,1 milliard metr kub tabiiy gazni iqtisod qilishga erishish maqsadi

belgilandi. Jumladan, iste'molchilar tomonidan qayta tiklanuvchi energiya manbalari qurilmalaridan foydalanish hamda qo'shimcha 74 mingdan ortiq ob'ektda jami quvvati 785 MVt bo'lgan quyosh panellarini va 9 mingdan ortiq 1,2 million litrli quyosh kollektorlarini o'rnatish hisobiga 1,6 milliard kVt soat elektr energiyasini tejalishtirish hamda aholisi ijtimoiy jihatdan og'ir ahvolda bo'lgan 300 ta mahallada quvvati 100 MVtdan ortiq kichik quvvatli fotoelektr stansiyalarini barpo etish hisobiga 45 million metr kub tabiiy gazni tejab qolinishi mumkin.

Bundan tashqari budget

tashkilotlarida energiya tejamkor uskunalaridan foydalanishni kengaytirish hisobiga 39 million metr kub tabiiy gazni tejash ko'zda tutilgan. Ushbu qaror ijrosini ta'minlash maqsadida 2025-yilda “Yashil iqtisodiyot”ga o'tishni jadallashtirish doirasida qayta tiklanuvchi energiya manbalari qurilmalarini o'rnatish, iste'molchilarni muqobil energiyaga o'tkazish, energiya tejamkor va samarador texnologiyalarni joriy qilish dasturi tasdiqlanadi.

2025-yil 1-maygacha Energetika vazirligi huzuridagi budjetdan tashqari Tarmoqlararo energiyani tejash jamg'arimasining “Yashil imtiyoz” axborot tizimi hamkor tijorat banklarining tegishli axborot dasturlari bilan integratsiya qilinishligi belgilandi.

Faxriddin NEMATOV, tuman adliya bo'slimi yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yurist konsul'ti.

Инсон ва қонун

Ноқонуний иш — келтирар ташвиш

ёҳуд қўл юклари орасидан топилган патрон

Термиз шаҳрида яшовчи Алибек Субхонов (исм-фамилияси ўзгартirilган) тоғни урса талқон қилгудек бўз йигит, аммо жамият учун бирор-бир фойдали ишининг бошини тутмади. Ўқимади, оила қурмади, хориҳга чиқиб ҳам ишни дўндирмади. Аксинча, жиноят содир этиш йўлига кириб, контрабанда, яъни божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб, декларациясиз ўқ-дорини мамлакатимиз чегарасидан ўтказиш жиноятини содир қилган.

У жумладан, Туркия орқали Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрига бориб, қонунга хилоф равишда бир дона 7.62 миллиметр калибрили патронни қўлга киритган ва вақтинчалик яшаш хонадонидеги шахсий буюмлар орасида яширин равишда сақлаб келган. Орадан 5 ой ўтиб,

юртимиз божхона чегарасидан яшириб ўтган ҳолда Термиз шаҳридаги яшаш хонадониде сақлаган. Бир муддат ўтган, А.Субхонов ишлаш мақсадида Туркияга кетиш олдидан яна ўша семимли “сувинер”ини сумкага жойлаштиради.

Бу гал унинг ўйлагани пучкак чиқди. Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортидан “Тошкент-Анкара” йўналишидаги У 291-сон авиарейси, афсуски Алибек Субхоновсиз учиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизлиқни таъминлаш департаменти эксперт-криминалистика бўлимининг хулосасига кўра, А.Субхонов қўл юклари орасидан олинган 1 дона патрон жанговар ўқ-дорилар тоифасига кирувчи “Winchester” миллигининг 70, 88, 100, 770- мо-

деллари ва “Harrington & Richardson” миллигининг 300 ва 360-моделлари учун мўлжалланган “Sako” ва “308 Win” маркали 7,62 миллиметр калибрили (7.62 x 51) патрон бўлиб, у нишонга тегизиш мақсадида – отиш учун яроқли эканлиги аниқланган.

Алибек Субхоновга нисбатан суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларини қўллаб, тайинланган жазоларни қисман қўйиш йўли билан узил-кезил базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдориде, яъни ўн етти миллион сўм жарима жазосини тайинлади.

Я.БЕКҚАМОВ, жиноят ишлари бўйича Музработ тумани суди раиси. С.ҚУЛБОБОВ, “Музработ” газетаси муҳбири.

Мукаддас динимизда кўни-қўшничилик ҳақида шундай дейилади. Қўшнига дуч келганда салом бериб, хол-аҳвол сўраиш, хафа бўлса, зиёратиде бўлиш зарур. Қўшнини зиёрат этиш учун рухсат олиш, изнсиз уйига кирмаслик лозим. Қўшнини хафа қилувчи ишлардан сақланиш керак. Яна бир ҳадисде «Кимда ким Аллоҳга иймон келтирса, охират кунидан умидвор бўлса, қўшнисига яхшилик қилсин» дейилади.

Туманимизнинг Халқ йўли маҳалласида яшовчи кўздек қўшнилар Алимардон Ниёзов ва Соҳиба Ёдгорове (исм-фамилиялар ўзгартirilган) ана шундай хулқ-атвордан, одобдан анча йироқ қўринишадиге. Йўқса, уларнинг иши судгача етиб келмас эди.

Бир куни Алимардон Ниёзов қўшнисининг яшаш уйи ҳовлиси олдида ариқ қавлаётган вақтида унинг олдида Соҳиба Ёдгорова келиб «лойни

Беодоб қўшнилар

менинг еримга эмас ариқ ёқасига ташланг» дейди. Табиийки, бу гап ишлаб турганга ёқмайди. Даҳанаки жангдан сўнг А.Ниёзов «менинг асабимга тегманг, ҳозир бир нарсга қилиб ташлайман», деб пўпи-са қилади. Улар турли ҳақоратли тортишувдан сўнг бир-бирини уриб тан жароҳати етказишади.

125 минг сўм, Соҳиба Ёдгоровага ҳам шу модда қўлланилиб, узил-кесил базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдориде, яъни 187 минг 500 сўм миқдориде жарима жазосини тайинлади.

Шерзод ЮЛДАШЕВ, жиноят ишлари бўйича Музработ туман судини тергов судьяси.

Департамент фаолиятидан Жиноят иши қўзғатилди

Тадбиркорлик, шу жумладан савдо, фаолиятини қонуний асосларда олиб бориш ҳам иқтисодиётга, ҳам жамиятга наф келтиради. Бироқ бу имкониятларни суиистеъмол қилиш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Қизириқ тумани ҳудудида фаолият қўрсатаётган масъулият чекланган жамияти раҳбари Парда Полвонов (исм-фамилиялар ўзгартirilган) жамиятга тегишли алкоғол маҳсулотлари савдо дўқониде қонунга хилоф равишда савдо йўлга қўйилгани аниқланди. Тезкор ҳодимлар томонидан ўтказилган тадбир жараёнида савдо дўқонидан кириш ҳуж-

жатлари бўлмаган, умумий баҳоси 79,7 миллион сўмлик 52 турдаги жами, 1810 донга алкоғол маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Шунингдек, Шўрчи туманида фуқаро Санжар Сидиков ўзига яқин танишининг савдо дўқониде ертўласида алкоғолли маҳсулотларни яширинча сотиш фаолияти билан шўғулланиб келаётгани ўз тасдиғини топди. Ҳуқуқбузар томонидан ҳудди шу мақсадда сақлаб келинаётган умумий баҳоси 23 миллион сўмлик, жами 511 донга тегишли ҳужжатлари бўлмаган ҳамда 47 донга қалбаки акциз маркали алкоғол

мер ҳўжаликларидан бири ҳам 52,7 гектар ер майдониде шу тартибда махсулот еттиштириб келган. Мазкур фермер ҳўжалиги раҳбари Шерош Шерали (исм-фамилиялар ўзгартirilган) фермер ҳўжалигига қарашли бўлган дала ер майдонини сўғориш мақсадида сув насосини электр энергия тармоғига ўбошимчаллик билан улаб олгани аниқланди. Ҳисоб китобларга кўра, ўтган вақт давомида фермер ҳўжалиги 315 миллион сўмлик электр энергиясидан ноқонуний равишда фойдаланиб келган.

Табиийки, бу ўринда фер-

маҳсулотлари ашёвий далил сифатида олиб қўйилган. Эндиллиқда ишлаб чиқарилиши ва сифати шўбҳали бу махсулотлар текширилиб, уларни йўқ қилиш чоралари қўрилади.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда. Албатта, юқоридеги сингари ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ишлари давом эттирилади.

Ўткир ЖАББОРОВ, Бош прокуратура хузуридаги Департаментнинг вилоят бошқармаси бўлими катта инспектори.

Лочин САПАРОВ, Бош прокуратура хузуридаги Департаментнинг бошқарма бош тафтишчиси.

мер мўмай даромад илинжида катта қаражат эвазига етказиб берилаётган электр қуввати учун тўловларни амалга оширмасдан, аксинча ундан яширинча фойдаланишга уринган. Бироқ қонун ва тартиблар устувор. Эндиллиқда фермер ҳўжалиги раҳбари зарарни қоплаши ва қилмиши учун жавоб бериши тайин.

Бехзод ХАМРАЕВ, Бош прокуратура хузуридаги Департаментнинг вилоят бошқармаси АМИБ катта терговчиси.

Икром ЖУМАЕВ, Вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.



Ватанни ҳимоя қилиш, уни асраш ҳар бир фуқаронинг инсонийлик бурчи. Туғилиб ўсган табаррук тупроғимиз ҳар биримизга азиз ва муқаддасдир. Шундай экан, унга хизмат қилиш, кўз қорачигидек асраб-авайлаш, хавфсизлигини таъминлаш ҳам фахр ва ифтихордир.

Азал-азалдан оилада ўғил бола дунёга келса, пиру бадавлат отахону онажонларимиз яна бир юрт посбони туғилди, дея қалблари қувончга тўлишган. Бу урф-одатлар, анъаналар албатта, ўзбек халқига хос фазилатдир. Ўдакни ёшлигиданок кўркмас, ботир қилиб тарбиялашга жиддий эътибор қаратишган. Вақти келиб улғайиб, камолотга тўлғач, эл қорига ярайдиган ўғлон бўлиб, алп қомат, эркакка хос шижоат билан кўкси қалқон йигитнинг Ватанга, она халқига, Президентига бўлган садоқатини ҳарбий қасамёд қабул қилганини кўрганда, ҳар бир ота-онанинг кўнгли тоғдек кўтарилади. Ўғлининг эл қорига ярайдиган бўлганидан кўзида севинч ва шукроналик ёшлари қалқийди. Куйида биз сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган лавҳамиз қўдрамони майор Юлдашев Жасурбек Мақсудович ҳам ана шундай юрт ўғлонларидан биридир.

Жасурбек Юлдашев 1991 йил 6 июлда Хоразм вилояти Урганч шаҳрида таваллуд топган. У оиланинг тунғич фарзанди бўлиб, етти ёшга тўлғач, шаҳардаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг биринчи синфига ўқишга борди. Мазкур мактабининг аъло баҳоларга тугатган, Урганч шаҳар мудофаа ишлари бўлими томонидан тенгқурлари қатори ҳарбий хизматга чақирилди ва 2011-2012 йилларда мудатли ҳарбий хизматни Наманган вилоятидаги ДХХ чегара қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда ўтади. Ҳарбийлик касбига иштиёқманд бўлган ёш йигитни Ватан ҳимоячиси бўлишдек орзу сира тарқ етмади. Муддатли ҳарбий хизматини ўтагач, шартнома асосида ишда қолди. 2016 йилда эса Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тугатгач зобитлик унвонига эришди.

Бўйи-баста киёзхон, ҳарбийларга хос шижоат юз-кўзида акс этиб турган бу йигит ҳарбий қисмда ва хизматдош дўстлари орасида ўз хурматига, обрў-эътиборига сазовор.

– Бизнинг оиламизда ҳарбийлар бўлмаган, - дейди лавҳамиз қаҳрамони Жасурбек Юлдашев биз билан суҳбатда. – Бироқ мен ёшликдан ҳарбий бўлишни орзу қилганман. Негаки, ҳарбийларнинг эғнидаги чиройли либосини кўрганим-

да уларга нисбатан хавасим яна ҳам ортарди. Чунки ҳарбий либос кўркам бўлиши билан бир қаторда, одамга қандайдир куч бағишлайди. Ушанда катта бўлсам албатта, мен ҳам ҳарбий бўламан, дердим. Яхши ният ярим мол деганларидек, мана орзумга етдим. Уйдагиларим – дадажоним Мақсуд ака, онажоним Сайёра опа, укам Жавлонбек ва синглим Мўтабархонларнинг хурсандчилигини айтмайсизми? Инсон яхши ният ва улғувор мақсадларни кўзлаб интилса, изланса, ҳаракат қилса, албатта, муроғига етар экан. Мактабда ўқиб юрган кезларимда спортнинг футбол ва бокс тўғрарига қатнашардим: кучли ва бақувват бўлиш учун. Чунки ҳарбийлар гавдали ва кучли бўлиши керак дердим-да. Болалик орзуларим ушалди, рўёбга чиқди.

Ҳақиқатан, ота-она панду-насихати фарзандининг ҳаёт йўлларини ёритувчи йўлчи юлдузидир. Бугун сарҳад кенгликларини туну-кун ҳимоя қилиб, она Ватан тинчлигини сақлаётган ҳарбийларнинг масъулиятли вазифалари зағворли ва шарафлидир. Давлатимиз раҳбари томонидан ҳарбийлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, тизимда олиб бо-



Мардлар кўриқлайди Ватанни

САРҲАД ПОСБОНИ

рилаётган кенг қамровли ислохотлар негизда амалга оширилаётган янгилик ва янгиланишлар соҳа ривожига муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Тоғу-тошлар, бепоеъ кенгликлар бўйлаб чўзилган давлат чегараларини кўриклаш алп қомат, мард, жасур ўғлонларимиз зиммасида. Буюк аждодларимиз Амир Темури ва Жалолиддин Мангуберди каби бобокалонларимиз издоши бўлган ватан ҳимоячилари ҳамиша эр-йигит элига қалқон эканлигини дилдан ҳис қилган ҳолда бурчига садоқат билан хизмат қилмоқда. Ҳукуматимиз ва юқори қўмондонлик томонидан қўйилган вазифа ва топшириқларни аъло даражада бажариб, халқига ва Президентига доимо содиқликларини намоён этиб келишмоқда.

Қўмондонлик раҳбарияти сарҳад лочинларини республикаимизнинг қайси вилоятига юбормасин ўз хизмат вазифасини ситқидилдан бажаради. Ж.Юлдашев ҳам ана шундай касбига фидойи офицерлардан бири. У дастлаб Қирғизистон Республикаси билан туташ чегара ҳудудларида хизмат вазифасини олиб бориб, бугун юқори қўмондонлик топшириғига мувофиқ Сурхондарё вилояти-

даги ДХХ чегара қўшинларига қарашли "Н" ҳарбий қисмда чегара қўриклаш взводи командирининг ўринбосари лавозимидда хизматини давом эттириб келмоқда.

Ҳа, инсон нимани орзу қилса, ниятига етиши шубҳасиз. Аммо бунинг учун изланиш, интилиш илм сирларини пухта эгаллаши лозим. Шундагина мақсадига эришмоғи аниқ. Жасурбек Юлдашев ҳам ўз устида доимо изланади, интилади. Билмаганларини устозларидан сураб ўрганади. Бўш вақт топди дегунча, кутубхонага ошиқади. Мамлакатимизда рўй бераётган воқеа ва ходисалардан воқиф бўлишга ҳаракат қилади.

Жасурбек устозлари ҳақида илиқ фикрларни айтиб шундай эслайди: –Биринчи устозим мактабга борган кезларимда қўлимга илк бора қалам тутқазиб, бийрон тилларимда “Она”, “Ватан” деган сўзларни мурғак қалбимга муҳрлаган бўлса, ҳарбийлик соҳасида устозларим подполковник О.Йўлдошев, капитан А.Жабборов ҳамда капитан Н.Джумаевлар эса ҳарбийликнинг жанговар сир-синаотларини, қўл жанги санъатида билим ва кўникмаларни мукаммал ўргатишди. Бугун қандай

ютуқларга эришган бўлсам, бунда уларнинг фидойи хизматлари муҳассам. Давлатимиз томонидан биз, ҳарбийлар учун барча шарт шароитлар яратиб берилган. Уй-жойлар билан таъминланаяпти, оиламиз билан биргамиз.

Ҳа, кўнгли хотиржамлиги ишга унум ва барака бағишлайди. Рафиқаси Ирода Назарова билан турмуш қургандан буён улар бир-бирларига суянч ва таянч. Бири биридан ширин жажжи фарзандлари Зебинисоҳон ва Мафтунахонларнинг тақдирига бефарқ эмас, уларга чиройли таълим-тарбия бериб келажакда эл қорига ярайдиган қомил ва солиҳа инсонлар бўлиб етишилиши астойдил ўйлаган ҳолда вояга етказишмоқда.

–Мен ҳарбий инсонга турмушга чиққанимдан асло афсусланмайман, - дейди Жасурбекнинг турмуш ўртоғи Ирода Назарова. – Чунки юрт посбонининг рафиқаси бўлиш мен учун шараф. Яширмайман, баъзида дугоналарим ҳам менга хавас билан қарашади. Ўша кезларда ичимдан қувонаман. Юртимизнинг тинчлиги, халқимизнинг фаровон ҳаёти мана шундай забардаст, мард ҳимоячиларимиз қўлида экан, дориламон кунларнинг қадрига етиб яшаймиз. Худого шукур, турмуш ўртоғим билан аҳил-иноқликда яшаб келаямиз. Бир-биримизни ярим имода тушунади. Ахир донишмандларимиз беқорга айтишмаган-ку “Аҳиллик бор жойда – барака бор” деб. Бу нақлга доимо амал қиламиз.

Ватан ҳимояси юртимиз, миллатимиз гурури ифтихоридир. Буюк аждодларимиздан бизга мерос – жаннатмакон замминимизни кўз қорачигидек ҳимоя қилиш, шу диёрда яшаб меҳнат қилаётган ҳар бир фуқаронинг Ватан олдидаги муқаддас бурчидир. Зеро, халқимиз юрагида ўти бор, мард, ботир, довжорак ўғлонларига ҳаммаша ишонди.

Сайдулла ШОБЕРДИЕВ,
ДХХ чегара қўшинлари хизматчиси.

Суратда: взвод командирининг ўринбосари майор Ж.Юлдашев рафиқаси И.Назарова ҳамда қизлари Зебинисо ва Мафтуна билан.

yordam beradi.

Stressni kamaytirish: bolalar hayotida stress va tashvishlar paydo bo'lishi mumkin, shu bois pedagoglar ular bilan ishlashda stressni kamaytirishning turli usullarini qo'llaydilar. Bolalarni stressdan saqlash uchun nafaqat o'yinlar, balki musiqliq, meditatsiya va raqs kabi faoliyatlarni ham tashkil etiladi.

Emotsional qo'llab-quvvatlash: maktabgacha ta'lim muassasalarida bolalar o'z hissiyotlarini boshqarishi va boshqalar bilan to'g'ri muloqotda bo'lishni o'rganadilar. Bu bolalar o'rtaidagii ijtimoiy munosabatlarni yaxshilashga yordam beradi.

Bizning bog'chamizda bolalarni sog'lom rivojlantirish uchun turli sohalarida tizimli va mutanosib ishlar amalga oshirilib bormoqda. Asosiy vazifamiz bolalarni nafaqat yaxshi bilim bilan, balki mustahkam salomatlik va ijtimoiy ko'nikmalar bilan tarbiyalashdan iborat. Shubhasiz, bu bolalarning kelajakda muvaffaqiyatli va faol shaxslar sifatida jamiyatga qo'shilishi uchun poydevor yaratadi.

Gulzora MUQIMOVA,
9-davlat maktabgacha ta'lim tashkiloti hamshirasi.

Мутахассис огоҳлантиради

Эсимда, 1987 йил ҳарбий хизматда юрганимда Москва шаҳрида чиқадиған “Комсомольская правда” газетасида жуда катта шов-шувга сабаб бўлган, таржимасида “Яшасин, СПИД” деб сарлавҳаланган, бир ғурӯх эш шифокорларнинг мақоласи босилиб чиққан эди. Мақоланинг мазмуни шундан иборатки, “кимки инсонийлик фазилатларидан йироқ бўлса, тартибсиз ҳаёт кечирса, у одам оқибатда турли иллатларга дучор бўлиши, шу жумладан, СПИД касаллигига қалиниси сабабидан ўлиб кетиши, шу сабабли наркомания, бузуқлик ва бошқа инсонийлик нормаларига зид бўлган ёмон иллатларни касб қилиб олган инсонларни даволаб бекорга давлат маблағини сарф қилишнинг кераги йўқ, улар ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Жамият эса ҳеч қандай сарф-харажатларсиз тозаланиб боради” – деган ғоя илгари сурилган эди!

Менимча, бу бағритошлиқнинг бир кўриниши ҳолос. Гап инсон ҳаёти устида кетар экан, барча мезонлар бир чеккага сурилиб, аввало, инсоннинг инсон эканлиги бирламчи бўлиб қолаверади. Ҳеч қандай аргумент инсон саломатлиги олдида ўзини оқлай олмайди. Бу оддий факт.

Мазкур мақолани эслашимга сабаб, ҳар йили туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими томонидан йил бошида барча турдаги чорва моллари ҳамда уй ҳайвонларини куйдирги, дерматит, кутуриш, яшур (оксил) касалликларига эмлаш ва йирик ҳамда майда шохли моллардан қон олиб

САЛОМАТЛИК – БЕБАҲО БОЙЛИК

1948 йил 7 апрелда Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти ташкил этилди. Шу вақтдан бошлаб жаҳонда ҳар йили 7 апрелда Саломатлик куни нишонланади. Бундан асосий мақсад дунёдаги барча инсонларнинг ўзи ва оила аъзоларининг соғлигини сақлаш, турли касалликларнинг олдини олиш ва улардан сақланиш, жисмоний баркамол, ақлий мукаммал бўлиб яшаши учун зарур бўлган меъёрий яшаш асосларини яратиш ва унга амал қилиш, шахсий гигиена қоидаларини мукаммал билиш ва бажариш, атроф-муҳит тозалигига ва жамият соғлиғига қаратилган ҳаракатларни амалга оширишдан иборатдир.

Одамлар сўзда эмас, балки амалда ўзининг ва оила-сининг соғлиғига эътиборли бўлиши, унинг соғлиғи бировга эмас, балки ўзига, оиласига, ўзи яшаётган жамиятга зарурлигини ҳис этиб, яшашга интилиши керак. Ўтган асрнинг иккинчи ярмида япон олими Ж.Озава инсон соғлигини белгилувчи куйидаги сифатларни (белгиларни) таъкидлаган. Яъни бошқача қилиб айтганда, соғлом одамда қуйидаги белгилар бўлиши керак экан:

–соғлом инсон ишчан бўлади у ишлаган билан чарчамайди;

–соғлом одамнинг иштаҳаси ҳар доим яхши бўлади у овқат танламайди, ҳар қандай турдаги овқатни иштаҳа билан танаввул қилади;

–соғлом одам ётиши билан 7-10 минут давомида уйқуга кетади, у чуқур ухлайди, уйқусида алаҳсирамайди, кўрқинчли тушлар кўрмайди, ухлаб тургандан кейин ўзини тезика сазди, кайфияти яхши бўлади;

–соғлом одамда хотира тиниқ бўлади ва у узоқ вақт сақланади;

–соғлом одамнинг фикри тиниқ бўлади, бажарган амаллари намунали ва тўғри бўлади;

–соғлом одам ҳақиқатга интилувчи бўлади ва ноҳақликка чидай олмайди;

–соғлом одамнинг кайфияти доимо яхши бўлади, у ҳар қандай ҳолда ҳам ўзини тутта билади, сабрли ва босиқли бўлади.

Инсон – тирик мавжудотнинг олий намунасидагир унга ақл, тафаккур берилган, у фикрлайди, яратувчанлик ва меҳнат қилиш имкониятига эга. Инсонга берилган имкониятлардан фойдаланиш учун у соғлом бўлиши керак. Ҳар бир инсоннинг асосий орузси унга берилган олий неъмат – Саломатлик нашидасидан фойдаланиши ва узоқ умр кўришидир. Унга эриши ўз ўзидан содир бўлмайди. Бунинг учун у ўзининг ва оила аъзоларининг соғлом бўлиб яшаши ва узоқ умр кўриши учун ҳаёт ва яшаш тарзини оқилона бажаришига тўғри келади.

Кўпинча одамлар, агар инсон хизмат вазифасини ёки уй ишларини бажара олади-ган бўлса, унинг соғлиғи яхши, бордию унинг саломат-

лигида бирор муаммо бор ёки даволанишга тўғри келса, унинг соғлиғи яхши эмас деб баҳолайдилар. Бундай фикрлаш нотўғри. Аслида инсоннинг соғлиғи яхши деганда унинг организмда касалликлар ёки жисмонларнинг бўлмаслиғи, жисмонан ва руҳан тетик, иқтисодий томондан қамчиликлари бўлмаган инсонлар тушунилади.

Бундан хулоса шуки, соғлом бўлиш, узоқ умр кўриш 50-60 фоиз ҳолларда одамнинг ўзига, яшаш тарзига, 15-20 фоиз у яшаётган ҳудуднинг муҳитига, қолган ҳолатларда эса, унинг тўғри овқатланишига, жисмоний фаол бўлиши ҳамда оилада, атрофдаги одамлар билан ўзаро яхши мулоқотда, тинч ва хотиржамликда яшашига боглиқ экан. Демак, мустақилликка эришгандан кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли саломатлиғи беқисс даражада ривожланганини мамнуният билан эътироф этмоқ жоиз.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида мамлакатимизда аҳоли саломатлиғи асосий масалалардан бири ҳисобланди. Давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан Соғлиқни сақлаш тизими ислоҳ қилиш учун бир неча фармонлар, қарорлар, қўнунлар қабул қилинди. Республикаимиз миқёсида, жумладан, туманиликда мавжуд бўлган тиббиёт муассасалари қайта қурилди, жиҳозланди ва тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Туманимизда 1 та марказий ва 1 та ҳудудий шифохона, 1 та юқумли касалликлар шифохонаси мавжуд. 1 та кўп тармоқли поликлиника, 6 та оилавий поликлиника, 2 та оилавий шифокор пункти, 1 та “Тез ёрдам” станцияси ва унинг 8 та шохобчаси аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бунинг натижасида тумanning узоқ қишлоқларида ҳам аҳолига тиббий хизмат тўддан яшайланди. Уларга 100дан ортиқ врач, 900 дан ортиқ ҳамшира малакали хизмат кўрсатмоқда. Тиббиёт ҳодимларининг малакасини оширишга катта эътибор берилмоқда. Туман аҳолиси, айниқса, туғиш ёшидаги аёллар, ёшлар, ўсмирлар, мактаб ўқувчилари орасида тиббий маданият оширилди.

Т.МАХМАДАЛИЕВ.

Газдан фойдаланишда

Хавфсизлик қоидаларига риоя қилинг

Сўнгги пайтларда аҳоли орасида табиий ва ис газидан заҳарланишлар, ҳаво-газ аралашмаси қақнашларидан фуқароларнинг ҳалок бўлиш ҳолатлари кузатишмоқда. Бундай муҳдиш ҳолатлар, энг аввало, аҳолининг газдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларини билмасликлари, носоз газ жиҳозларидан фойдаланиши оқибатида юзгага келмоқда. Шунингдек, содир бўлаётган ёнғин, қақнашлар, ис газидан заҳарланишлар фуқароларнинг табиий газдан ўзбошимчилик билан фойдаланиши, газ сўргичлари ўрнатиб олганлиги, газ ускуналари бошқа жойга кўчириб резина шланглар ва ностандарт газ жиҳозларидан фойдаланганликлари, иситиш ускуналарининг дуд-буронлари текширилмаганлиги сабаб бўлмоқда.

Айтиш керакки, табиий газнинг тўлиқ ёнмаслиғи, газ оқимининг беҳосдад узулиб қолиши, хона ичида газ тўпланиши, газни ёқиб, қаровсиз қолдириш, иситиш тизимларига газни ушлашда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида портлаш ва

ёнғин содир бўлиши табиий газ ва ис газларидан заҳарланиш ҳолатлари билан боглиқ бахтсиз ҳодисалар содир бўлмоқда. Нафас олинувчи ҳаво таркибида 0,1 фоиз миқдорда ис газининг бўлиши, инсонни ўлим ҳолатига олиб келиши мумкинлигини ва газ ёқилғисининг қақдар хавфли эканлигининг додалат бериб, ундан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя этишликни талаб этмоқда.

Таъкидлаш жоиз, ис газни табиий газдан ташқари, кўмир ва бошқа органик моддаларнинг чала ёнишидан ҳам пайдо бўлади. Бу газ нафас йўллари орқали организмни, хусусан, марказий асаб тизimini зарарлайди. У гомеоглабин билан богланиб кислородга нисбатан 300 маротаба кучли бирикма – карбоксигемоглабин ҳосил қилади. Оқибатда гомеоглобиннинг тўқималарга кислород ташвиш хусусияти кескин пасайиб, гипоксияга, оғир ҳолатларда эса – анокиа ва ўлим ҳолатига олиб келиши мумкин.

Заҳарланиш унинг ҳавода-

ги концентрацияси ва таъсир муддатига боглиқ. Енгил, ўрта, оғир даражада бўлади. Бундай ҳолларда бош қаттиқ оғриғиди, айланади. Қусиш, хушдан кетиш кузатилади ҳамда нафас олиш секинлашади. Биринчи ёрдам кўрсатиш учун, аввалол, заҳарланган кишини зудлик билан тоза ҳавога олиб чиқиш, “Тез ёрдам” қақирш зарур. “Тез ёрдам” етиб келгунча юзакни нафас олишда ёки нафас олиш тўхтаб қолганида сунъий нафас олдириш лозим. Бемор хушида бўлса, тананинг юқориси қисиб турувчи кийимлардан бўшатилди, иссиқ чой ва қаҳва ичирилади.

Азиз истеъмолчилар! Турмушда табиий ва суюлтирилган газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этиб, хонадонингиздаги газ ускуналари ҳолатини мунтазам текшириб турсангиз, ис газидан заҳарланишнинг олдини олган бўласиз.

Х.ПРИМОВ,
“Музабротумангаз” газ таъминоти бўлими меҳнат мухофазаси ва хавфсизлик техникаси етакчи муҳандиси.

Даволаш арзонми ёки профилактика?

(қобик) ҳосил қилиб олади ва 100 йилгача ўзининг фаоллигини сақлаб қолади. Касаллик инсонларга касалланган молни ветеринар кўригидан ўтказмасдан сўйиш орқали юқади. Энг ёмони, касаллик оқибатида сўйилган молнинг гўшти қўни-қўшнларга тарқатилганда, касаллик тарқатувчи бақилалар гўшт билан соғлом хонадонларга тарқаб кетади ва шу хонадон 70-100 йил давомида касаллик ўчоғига айланиб қолади. Бу эса оқибатда юзлаб одамларнинг куйдирги касаллиғи билан

ҳага бир зумда жавоб топилади деб ўйлайман. Агар Сиз молларингизни эмлатмақчи бўлсангиз худудингиздаги ветеринария ходимлари буни пайсалга солаётган бўлса ёки қақиргингизга жавоб бераётган бўлса, дарҳол 91-517-70-31 рақамига кўнғироқ қилинг!

Ш.ҚҶОҚОВ,
туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими эпизоотик тақдирлар бажарилишини мувофиқлаштирувчи штаби бошлиғи.

«Тоғлардек яшаса одам» танловига

СЎЗДАЙ ХОКИСОР ИНСОН ЭДИ

Адабиётга муҳиблик, шай-долик, энг аввало, яшаб турган муҳитингга боғлиқ бўлади. Муҳитки, табиати бетакрор ва жилвакор бўлса! Тўрт фаслидан ўзгача завқ олсанг-у мағрур ва вазмин тоғлар бағридан қайнаб чиқаётган булокларидан илҳом олсанг! Бунга монанд атрофингда сени тушунадиган кўнглидош инсонлар хайрихоҳ бўлишса, нур устига нур...

Ана шундай муҳит бизнинг воҳамизда ҳукмрон: гўзал табиат ва унга мафтун кўнгил кишилари. Сурхон адабий муҳитни шакллантирган ва кейинги авлодларга етиб келишида Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод, Шафоат Раҳматулло Термизий, Болта Ериев, Болтақон Содиқов, Маҳмуд Абулфайз сингари сўзи ҳалол ижодкорлар орасида бойсуналик журналист ва шоир Исроил Шомиров ҳам бор эди...

“Сурхон ёшлари” газетаси асосчиси Исроил Шомиров билан мен анча кеч танишдим. Бу инсонни мазкур газета ва “Музработ” газетаси муҳбири, устозимиз Эгамберди Эшонқулов яқиндан таништирганди. Шундан эътиборан газетага ижодий ишларим ва мақола-лар билан қатнашиб турдим. Исроил устоз билан ҳамкорлик қилиб қисқагина 3-4 йил ичи-да қадрдонларга айланиб ул-гурдик. Ханузгача вилоятимиз марказидаги “Матбуот уйи”га яқинлашсам, ҳамishaғиди устоз очик чеҳра билан кутиб ола-дигандай туюлаверадди кўз ўнгимда. Ўша пайтлари ўзи-нинг ташаббуси билан ўткази-лядиган катта шоир-ёзувчи-лар иштирокидаги учрашув-ларга мени телефон қилиб ча-қирарди. Баъзида турли мав-зуларда мақолалар ёзиб беришимни буюртма қиларди. Бу мақолалар грант танловла-рига қатнашиб учун газетга эълон қилинарди. Бунинг на-тижасида тахририят ҳар гал ана шундай танловларнинг голиби бўларди. Шунингдек, ўзининг муаллифлигидоғи тан-қидий-тахлилий мақолалари ҳам кенг оммани ўйлантириб, муҳокамаларга сабаб бўларди. Жумладан, Исроил Шомиро-вининг Ўзбекистон мустақил бос-ма оммавий ахборот восита-лари ва ахборот агентлика-рини қўллаб-қувватлаш ва ри-вожлантириш жамоат фонди томонидан эълон қилинган “Жа-мият ва мен” ҳамда “Инсон ҳуқуқлари – журналист ниго-ҳида” республика ижодий тан-ловида “Бозорнинг бўзилган посангиси ёҳуд тадбиркорга нега тўқсинлик қилинди?”, “За-раутсой мададга муҳтож”, “Ҳоким қонунни менсимадди...”



ми?”, “Юрагимда қолган доғ-лар” каби танқидий-тахлилий мақолалари билан қатнашиб, биринчи ўринни қўлга кирит-ган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюш-маси аъзоси Исроил Шоми-ровнинг “Соғинч”, “Болаликка қайтгим келадди” ва “Кўксим-даги қуш” номли шеърий ки-тоблари чоп этилган.

Исроил Шомир шеърияти-ни таъбир жоиз бўлса, том маънода, “Болаликнома” дея атаган бўлардим. Негаки, шо-ирнинг назмий олами ни ке-заркансиз бошқа мавзудаги шеърларида ҳам қишлоқнинг тошлоқ кўчаларида ва яланг-ликларида чангитиб чоғиб юр-ган болалик гавдаланди кўз ўнгимизда, гўё.

Тоғ қишлоғи.
Лойсувоқ томлар.
Ховлиларнинг эшиги толдан.
Узоқ эди ўзга оламлар,
Бола қалбим
Шу ерда қолган...
Исроил ака ана бир бошқа шеърларида: “Мен зўр шоир бўлмоқчи эдим...” дея хитоб қилди. Аслида энг катта шоир эди! Айнан шу шеър Исроил Шомировнинг таширф қоғози, паспорти, таржимаи ҳоли де-сак, муболага қилмаган бўла-миш. Шеърда қишлоқ дала-ларидаги шовуллаган бугдойзор ва баланд тоғлар адирлариди ўсган қизғалдоқлар аро кезиб юрган болалик соғинчи, илк му-ҳаббат армони-ю шеър дарди-да ёнган шоир нолалари бор.
...Иллар ўтди
мезондай учиб,
Мен бир гиёҳ –
унмоқчи эдим.
Бу дунёнинг
баҳридан кечи-б,
Шеър ўтида
ёнмоқчи эдим.

Исроил Шомиров ношир си-фатида ҳам Тошкент шаҳрида-ги “Тафаккур” нашриёти би-лан ҳамкорлик қилиб, қўллаб ижодкорларнинг китобларига муҳаррирлик қилди. Хусусан, менин-г илк “Айрилик фасли”

деб номланган китобим ҳам 2018 йилда Исроил аканин-г бош-қошлигида, хайрихоҳли-гида чоп этилди.

Бу ҳаётда инсонларнинг қанча яшагани эмас, қандай яшагани билан баҳо берила-ди, эсланади. Исроил Шоми-ров ҳам қисқа – 60 ёш умр кўрган бўлсада, изидан тоғлар-дек ҳайбатли адабиёт, шеъ-рийат қолдирди. Бугун у иккин-чи – боқий умрини яшамоқда! Устозимизнинг охиратлари обод бўлсин. Қуйидаги шеъ-римни у кишининг порлоқ хо-тирасига бағишлайман.

Шаҳар, хайр,
қишлоқ, кутиб ол,
Ўйинқароқ боланг
йўл чиқди.
Қолгин бардошига
бўлиб лол,
Синовлар-у соғинчини
ийқди.

Болалик хув,
варрак учирар,
Далаларда,
яйловда, қирда.
Олис кетди,
ортда қолдилар,
У дамларни кўмсаймиз
ҳар дам.

Хаёлимда ўша
гулбаҳор,
Фақат тоғлар
тургандай тизлаб.
Ўтпапман бу йўлдан
мен такрор,
Ўшандаги ҳайратни излаб.

Соғинчдан энтиккан
тонгларда,
Қаршиламоқ бўлади
юзлар.
Сел қўпчиган пастак
томларда,
Қизғалдоқлар
чикволган – қизлар.

Олар эдим
сафар халтамга,
Кўнглим ипор,
ялпизга маҳтал.
Шаҳар ўстиради,
ботинга –
Онам айтар
эртаг-у матал.
Ариқларда қолган
шаррора –
Шўхликлар ҳам
тийилди, тинди.
Қайтгум шоир
бўлиб эларо,
Ким билмади,
кимлардир билди.

Шаҳар, хайр,
қишлоқ, кутиб ол,
Шоир боланг
катта йўл чиқди...
Сироҳиддин
ҚУЛБОБОВ,
“Музработ” газетаси мух-бининг илк “Айрилик фасли”

Гигиеник малака ва одатлар

БОЛА САЛОМАТЛИГИ ГАРОВИ

лардан фойдаланинг. Тишлар-нинг саломатлиги тана сало-матлигидир. Боланин-г барча сут тишлари 2,5-3 ёшида чиқ-қан бўлади. Бу ёшидан бола тишни тозалаб ювиш малака-сини эгаллаши мўҳим аҳа-ми-ятга эга. Акс ҳолда овқат қол-диқлари ва оғиздаги микро-организмлар таъсирида тиш емирила бошлайди, тешилади. Буни тиббиёт тилида «кариес» дейилади. Карие-с тишининг тез ишдан чиқишига олиб келиши билан бирга инфекция ўчоғи ҳам ҳисобланади. Тешилган, чириган тишда турли хил мик-роблар бўлиб, болада ҳар хил шамоллаш касалликларини келтириб чиқаради. Бу мик-роблар қон билан тана аъзола-ри, жумладан, буйраккача етиб келиши ва уни яллиғлантири-ши ҳам мумкин.

Карие-сини олдини олиш учун болани эрталаб уйқудан уйғот-гандан кейин ва кечкурун уйқуга

кетидан олдин тишларини ювишга одатлантириб, кўпроқ фторли тиш ювиш пасталари-ни ишлатинг. У карие-сини ол-дини олади. Кичик ёшдаги бола тишларини юмшоқ тиш чўткаси ёрдамида ювиш керак. Сабаби болаларнинг милқлар юмшоқ бўлиб, қаттиқ чўтка таъ-сирида лат ейиши мумкин. Чала ювилган тиш ҳам карие-сдан сақ-лаш кафолатини бермайди.

Тозалаб ювиш учун: тишлар-нинг ён томонларини тешадан пастга қараб юзага, чайнайди-ган қисмини эса айланма ҳа-ра-катлар билан ювилади! Ҳар бир тиш алоҳида ювилишига аҳа-ми-ят бering. Тиш камида 1-3 ми-нут давомидида ювилади. Шунин-гдек, ювилмаган мева сабза-ватларга кўра қўпроқ таъсир кўрсатади. Агар ота ёки она гигиеник малакага ўргатса, ле-кин ўзлари унга амал қилмаса, болада ҳам гегеник малака одат сифатида шаклланимайди.

Вaxodirov Xojiakbar Kosimovichga 2019-yil 16-fevralda berilgan «B, C» toifali DH0000 № 1209164 raqamli haydovchilik guvohnomasi yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Ma'lumki, inson uchun til fikrlash va o'zaro aloqa vositasi bo'lib xizmat qiladi. Binobarin, dunyoda qancha til bo'lsa, har birining o'z tarixi, rivojlanish bosqichlari, shu jarayonda fidoyilik ko'rsatgan allomalari bor, albatta. O'tmishga nazar tashlaydigan bo'lsak, uzoq tarixga ega ona tilimiz borligi bilan faxrlanamiz. Xususan, bizgacha saqlab kelingan O'rxun-Enasoy yozuvi yodgorliklari tilimizning ko'hna tillardan biri ekanligining yaqqol isbotidir. Toshga yozilgan bu yodnomalar O'rxun daryosi yonidan topilgani uchun O'rxun yodnomalari deyiladi. Darvoqe, O'rxun-Enasoy yodnomalari tili hozirgi zamon tiliga ko'p jihatdan yaqin turadi.

Mahmud Qoshg'ariyning “Devonu lug'otit turk” asarida aynan turk tilining naqadar yuksak ekanligini, bu til o'sha davrda ham boshqa tillardan ortda emasligini bilsak bo'ladi. Bu asar orqali ko'plab turkiy so'zlarning asl turkiy so'z ekanligini anglaymiz. “Devonu lug'otit turk” asari Mahmud Qoshg'ariy tomonidan 1073-74-yillarda yozib tugallanadi. Qoshg'ariy bu asarida o'z zamonasidagi turkiy urug' tillarining xususiyatlari, joylashuvi haqida ma'lumot beradi va lug'atini tuzadi. Aniqlirog'i, asarda 7,5 mingdan ziyod turkiy so'zlar keltirilib, ularga izohlar ham yozilgan. Mahmud

Болалар — kelajagimiz

Ko'nikmalarni shakllantirish

Bugungi kunda mamlaka-timizning barcha ijtimoiy-iqtisodiy sohalarida jadal o'sish kuzatilmoqda. Maqsad esa bitta – jahonga namuna bo'ladigan Yangi O'zbekistonning porloq kelajagi tomon olg'a borish. Asrdan asrga o'tsa ham zarar ko'rmay, savlat to'kib turadigan binolar qurish uchun asosiy kuch va e'tiborni uning poydevoriga qaratishadi me'morlar. Kelajagi buyuk Yangi O'zbekistonni barpo etish uchun esa ta'limning tub negizi bo'lgan maktabgacha ta'limga katta e'tibor berilmoqda bugungi kunda.

Chekka-checkka hududlarda bog'chalar qurilib foydalanishga topshirildi. Oilaviy-nodavlat, xususiy-sherikchilik bog'chalarl faoliyati yo'lga qo'yildi. Hattoki iqtisodiy ahvoli to'g'ri kelmaydiganlar ham chetda qolmadi. Bunday oila farzandlari uchun qisqa guruhlar tashkil etildi. Bolaning ijtimoiy hayotda o'zini tuta bilishi va yetarli bilim-ko'nikmalarga ega bo'lishi uchun bir qator ustuvor vazifalar belgilandi.

Ilk yoshdagi bolalar savodxonligini oshirish va ularning rasional ovqatlanishiga doir masalalarni muhokama qilish birinchi o'rimga qo'yildi. Mana shu ikki yo'nalish maktabgacha ta'limning asosi hisoblanadi. Ilk savodxonlik harfi, yozuv o'rgatish emas, balki bolani ijtimoiy hayotga shaxs qilib tayyorlash, ya'ni, ijtimoiy, iqtisodiy, nadaniy, axloqiy, jismoniy, aqliy, gigienik va estetik ruhdan tarbiyalashdir. Bolalarning huquqiy savodxonlikdan xabardor bo'lishi esa ularning hayotda o'z o'rnini topishiga, o'z haq-huquqlarini bilishiga va eng muhimi, ona Vatani oldidagi burchi

va sadoqati haqidagi fikrlarini mustahkamlaydi. Bunda bola tug'lib kamol topayotgan oilaning o'ri juda muhim. Shuning uchun Maktabgacha ta'lim tashkilotlari ota-onalar bilan doimiy hamkorlikni yo'lga qo'yidilar. Jumladan, bizning bog'chamizda ham.

Tashkilotimiz metodisti Feruza Soatova O'zbekiston Respublikasi maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi hamda hamkorlar bilan o'tkazilgan va AQSH qishloq xo'jalik vazirligi tomonidan moliyalashtirilgan MakGovern – DouL “Bolalar ta'limi va ovqatlanishi uchun xalqaro oziq-ovqat dasturi” doirasida poytaxtimizga borib “MERCY KORPS” jamiyati tomonidan yuborilgan pedagoglaridan yerarli bilim olib qaytdi. U oz bilimlarini biz, pedagoglarga ulashdi. Biz, menti-pedagoglar esa olgan bilimlarimiz va orttirgan tajribamiz natijasi o'laroq, bolajonlarimizga yangi metodlardan foydalangan holda ta'lim bera boshladik. O'z navbatida ota-onalar o'rta-sida kitobxonlikni targ'ib etuvchi va sog'lom turmush tarziga da'vat etuvchi ko'ngilochar tadbirlar uyushtirdik. Ota-onalarga “MERCY KORPS” jamiyati tomonidan kitoblar sovg'a qilindi. Kitob yarmakalari tashkil etildi. Yarmarkada bog'chamiz ota-onalari faol ishtirok etishdi. Ular farzandlari uchun, qolaversa, farzandlari tarbiyalanayotgan bog'cha uchun kitoblar tuhfa etishdi.

Munojat NABIYEVA, 26-davlat maktabgacha ta'lim tashkiloti menti-pedagog xodimi.

Одатларни шаллантириш-нинг мўҳим шартлари боланин-г тўғри хатти-ҳаракатларини рағбатлантириб туришдир. Ота-онанин-г мақуллашлари бо-лада бундан кейин ҳам худди ўшандай иш тутуш истагини мустаҳкамлайди. Кўрс, асабий оҳанг одат ҳосил қилишга ёрдам бермайди. Аксинча, та-лаб этилаётган ҳаракатга кўнглисиз бир нарсa сифатида қарашга мажбур қилади.

Кичик ёшдаги болаларда гигиеник малакаларни мустаҳ-камлаш ва одатларни шакллан-тиришда катталар талабларни ўйин формасида ифодадалаш, улар учун янада осонроқ ва ту-шунарлироқ бўлади.

Ота-онанин-г яқдиллиги ги-гиеник одатларни шалланти-ришда жуда мўҳим. Она қўяёт-ган талабни ота инқор қилиб турса ёки аксинча бўлса, бо-лада гигиеник одатнинг шакл-ланмаслигига олиб келади.

Хулқар БОЙНАЗАРОВА, туман тиббиёт бирлашма-си болалар бўлими бошлиғи. Матлуба ИРКУЛБОВЕВА, бўлимининг катта ҳамшираси.

o'z rivojining eng yuqori nuqtasiga ko'tarildi. Navoiy juda katta adabiy meros qoldirdi, asarlarida o'zbek adabiy tilini kamolotga etkazdi. Xususan, “Xamsa” asarini aynan turkiy tilda yozgan va uning rivoji uchun beqiyos hissa qo'shgan.

Yillar silsilasida tilimizning yuksalishi yo'lida ko'plab tilshunos olimlar, shoir va yozuvchilarning xizmati cheksiz bo'ldi. Bu borada

Ammo sho'rlik to'tining holi O'zgargala taqlid hamisha. Ona tilim sen borsan shaksiz Bulbul kuyin she'rga solaman. Sen yo'qolgan kuning shaksiz Men ham to'ti bo'lib qolaman. Bugungi kunda ham tilimizga e'tibor yuqorilab bormoqda. Qanchalik tilimizni, uning rivojlanish tarixini mukammal bilsak, uni kelgusi avlodlarga ham shu

Ona tilim — jonu dilim

Yuksalish dovonlaridan oshib

jadidlarimiz Fitrat, Abdulla Avloniy, Abdulla Qodiriy, Cho'lponlarning nomini alohida tilga olish o'rindir. O'zbekiston Qahramoni, xalqimizning sevimli shoiri Abdulla Oripov ham o'zbek tilining yuksalishida samarali harakat qilgan. Birgina “Ona tilim” she'ri sababli shoir ko'plab to'siqlarga uchragan bo'lsa-da, u o'z elini e'zozlab to'siqlarni bartaraf eta olgan. U she'rda yozganidek:

Ming yillarkim bulbul kalomi O'zgarmaydi yaxlit hamisha.

darajada yetkazib bera olamiz. Eng muhimi, ona tilimizni o'rganishga chet davlatlarda ham o'rganish, so'zlay olish uchun qiziqish ortib bormoqda. Bu borada ham ko'plab ishlar amalga oshirilayotgani diqqatga sazovordir. Shaxsan men kelgusi yillarda o'zbek tili jahon miqyosidagi xalqaro tillar qatoriga qo'shilishiga umid qilaman.

Baxtiniso MAMATKARIMOVA, Termiz davlat universiteti talabasi.



Buyuk sarkardaga ehtirom

Muzrabot tuman politex-nikumida yirik davlat arbobi, buyuk sarkarda, kuchli va markazlashgan davlat asoschisi, ilm-fan hamda madaniyat homiysi Amir Temur tavalludining 689 yilligi munosabati bilan tantanali tadbir bo'lib o'tdi.

Tadbirda tuman hokimligi vakillari, xalq deputatlari tuman Kengashi deputatlari, korxona va tashkilotlar rahbarlari, nuroniylar va politexnikum o'quvchi yoshlari hamda keng jamoatchilik vakillari ishtirok etdi.

Tadbir doirasida politexnikum jamoasi buyuk sarkarda —

Sohibqiron Amir Temur bobokalonimiz xotirasiga chuqur hurmat bajo keltirdi. Amir Temur shaxsiyati, uning davlat boshqaruvidagi donoligi, adolatparvarligi, ilm-fan va madaniyat rivojiga qo'shgan qiyosiz hisssasi haqida so'z yuritildi. Tadbir davomida Amir Temurning shonli hayoti, yurt tinchligi va taraqqiyoti yo'lida qilgan buyuk ishlariga bag'ishlangan teatrlashtirilgan sahna ko'rinishi namoyish etildi.

SH.XURRAMOV, politexnikum tarix o'qituvchisi. B.SUVQULOVA, kutubxonachi.

Соҳибқиронни англаш — ўзликни англаш



Музработ тумани ахборот-кутубхона маркази томонидан буюк соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 689 йиллиги муносабати билан катта бай-рам тадбири ўтказилди.

Тадбирини кутубхона хо-ди-маси Розия Тўрақулова олиб борди. Тантаналар зали бай-рамона безатилди. Соҳибқи-рон А.Темур ҳақида ёзилган асарлардан китоб кўргазмаси ташкил қилинди. Унга туман-нинг 1-2-секторлари ҳудудида-ги мактабларнинг фаол китоб-хонлари иштирок этишди. Тад-бирни Музработ тумани ахбо-рот-кутубхона маркази раҳба-ри Б.Хурсандов очиб берди.

Тадбирда Розия Тўрақуло-ва буюк бобокалонимиз А.Те-

мур ҳаёти, босиб ўтган йўлла-ри ҳақида маъруза ўқиди. Тад-бирда 2-мактаб ўқувчиси, айниқса, фаоллик кўрсатишди. Улар саҳна кўринишлари ихро этишди, шеърлар ўқиди. Ўқувчилар ўша замонга мос ли-бослар кийишиб, мумтоз ашу-ла ва рақслар ихро қилишди.

Тадбир сўнггида ўқувчилар яхши иштироки учун эсдалик совғалари билан тақдирлан-ди. Кеча жуда мазмунли ва кизиқарли бўлди. Китобхон-ларда катта таассурот қолдир-ди.

С.БЕКНАЗАРОВА, туман ахборот-кутубхона мар-кази абонемент ва фойдала-нувчиларга хизмат кўрсатиш бўлими мутахассиси.